

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ВА ИНСОФСИЗ ИЖРОЧИЛАРНИНГ ЯГОНА РЕЕСТРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

*Шохина Усмонова, Барчиной Хамирова, Дилафруз Хужсанбердиева  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ-84 гуруҳ талабалари*

**Аннотация:** ушбу мақолада тижорат банклари давлат харидлари тизимида шартномаларнинг ягона реестри ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби ёритилган.

**Калит сўзлар:** шартномаларнинг ягона реестри, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри, реестрларни шакллантириш тартиби, талаблари.

Давлат харидлари тизимида ваколатли орган давлат харидлари электрон тизимларининг ва махсус ахборот порталининг ахборотлар базалари ўртасида ахборот алмашиш орқали Шартномаларнинг ягона реестрини юритади.

Шартномаларнинг ягона реестрига давлат буюртмачисининг номи; молиялаштириш манбаси; ижрочини аниқлаш усули; харид қилиш тартиб-таомилининг натижалари сархисоб қилинадиган сана ва шартнома тузиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари; шартнома тузилган сана; товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номи, шартнома баҳоси ва уни бажариш муддати, товар (иш, хизмат) бирлигининг нархи, у келиб чиққан мамлакатнинг ва ишлаб чиқарувчининг номи киритилади.

Шунингдек, шартномаларнинг ягона реестрига ижрочи солиқ тўловчининг номи, фирма номи (агар мавжуд бўлса), жойлашган ери (юридик шахс учун - почта манзили), фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), яшаш жойи (жисмоний шахс учун), ижрочининг солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки чет эллик шахс учун тегишли чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ижрочининг солиқ тўловчининг идентификация рақами аналоги, бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборот, бундан тарихий, бадиий ёки ўзгacha маданий қимматга эга бўлган ва давлат музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган маданий қимматликларни, шу жумладан музей ашёларини ва музей коллекцияларини, шунингдек ноёб ва қимматбаҳо нашрларни, қўлёзмаларни, архив ҳужжатларини (шу жумладан уларнинг кўчирма нусхаларини) етказиб берувчи тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шартноманинг ўзгартирилган шартлари кўрсатилган ҳолда шартномани ўзгартириш тўғрисидаги ахборот; шартномани

ижро этиш тўғрисидаги ахборот, шу жумладан шартнома учун ҳақ тўлаш, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажармаганлик муносабати билан молиявий санкциялар (жарималар, пенялар) ҳисобланishi тўғрисидаги ахборот; бекор қилиш сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ахборот ҳам шартномалар ягона реестрига киритилиш керак.

Шартномаларнинг ягона реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очиқdir. Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади. Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот Шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри ваколатли орган томонидан шакллантириладиган рўйхатдан иборат бўлиб, харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича белгиланган шартлар асосида давлат буюртмачиси билан шартнома тузишни ва давлат харидларини амалга оширишни рад этган ёки бошқача усулда бўйин товлаган харид қилиш тартиб-таомиллари ғолиблари тўғрисидаги; мажбуриятларни бажармаганликда ёхуд тегишли тарзда бажармаганликда белгиланган тартибда айбдор деб топилган ижрочилар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Давлат харидлари жараёнида ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этган, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бермаган иштирокчилар тўғрисидаги; суднинг қарорига кўра фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар инсофсиз ижрочилар рўйхатига киритилади.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочининг икки йил давомида давлат харидларида иштирок этиши мумкин эмас, бу муддат тутаганидан кейин ижрочи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестридан чиқарилган ҳисобланади. Ижрочилар Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибida шикоят қилишга ҳақли. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - О 'quv qo 'llanma. T.:“Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент:“Шарқ. 2010;804.

4. Malikov T, Haydarov N. Budjet daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan.". International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Ўроқов, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
- 10.Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE.JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
- 11.N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
- 12.Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
- 13.Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«Халкаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 14.Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
- 15.Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
- 16.Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
- 17.Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today.". Market, money and credit" magazine. 2018(8).
- 18.Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
- 19.O'roqov UY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» OK. 2022.
- 20.Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014

21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинқулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«. Халқаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 23.Хайдаров Н. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
- 24.Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.:“IQTISOD-MOLIYA, 2007
- 25.N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021